

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАТИВ ЁНДОШУВ

Хайдарова Малика Джамшидовна, Юлдашев Баҳодир Нарзуллаевич

Бухора Давлат университети ўқитувчилари, Ўзбекистон

e-mail: mali7313@mail.ru.

Аннотация. Ушбу мақолада Технология фанини ўқитишда инноватив ёндошувнинг аҳамияти, уни бошланғич синфларда қўллаш усуллари ёритилган.

Калит сузлар: Бошланғич таълим, баркамол авлод, хом-ашёлар, қобилият, инноватив ёндошув.

Аннотации. В данной статье описывается важность инновационного обучения в преподавании Технологии, способы ее использования в начальной школе.

Ключевые слов: начальное образование, просвещённое поколение, способность, сырьё, инновационный подход.

Annotation. This article describes the importance of innovative teaching in the teaching of Technology, ways to use it in primary school.

Keywords: primary education, enlightened generation, raw materials, ability, innovative approach.

Фарзандларимизни мустақил ҳаётга йўллашда уларнинг барча қобилиятларини ва иқтидорларини юзага чиқариш ва шакллантиришда меҳнат таълимининг, илм ҳунарининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун бугунги кунда баркамол авлодни шакллантириш, тарбиялаш эртанги кунимизни белгилаб берувчи долзарб масалага айланди.

Табиатга бўлган қизиқиш, унга интилиш ҳар бир болага мавжуд.

Бу интилиш ва қизиқиш, қобилият ва иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтида англаш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич таълим тизимида меҳнат фаолияти болаларнинг маънавий, аклий, жисмоний ва эстетик ривожланишида асосий омиллардан хисобланади. Чунончи айнан Бошланғич синфларда ўқувчиларга меҳнатга қизиқиш мустақиллик, ижтимоий фаоллик, меҳнат қилувчиларга нисбатан ҳурмат каби ҳаётий хислатларга замин яратилади. Бошланғич синфларда меҳнат таълими курсини ўқитишдан асосий мақсад - бадиий ва техник ижодиётга, меҳнатга қизиқувчи ижодкор, фаол шахсни тарбиялашдир. Шу мақсадда Бошланғич синфлар меҳнат таълими дастурида ўқувчиларни меҳнатнинг турли кўринишлари билан, жумладан:

- қишлоқ хўжалигидаги меҳнат;
- турмуш уй-рўзғордаги меҳнат;
- турли материалларга бадиий ишлов бериш;
- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш;
- техник моделлаштириш ва техник меҳнат билан таништириш кўзда тутилган.

Меҳнат тизимида турли материалларга бадиий ишлов бериш йўналиши алоҳида ўрин тутиб, ўқувчиларнинг турли материаллар билан ишлаш усулларини ўрганиши, халқ хунармандчилиги ҳақида маълумотга эга бўлиши, қолаверса, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва эстетик тарбиялашда жуда муҳимдир.

Инсон атроф муҳити билан боғлиқ, борлигида жуда табиий биз уларга баъзида ҳатто эътибор ҳам бермаймиз, улар эса табиатда осон топиладиган нарсалардир: барглар, гуллар, майсалар, сомон ва бошқалар.

Табиий материаллардан турли ўйинчоқлар ва бошқа нарсалар яшаш ўқувчилар учун жуда қизиқарли. Бу ўз навбатида уларнинг билиш жараёнларини нафақат эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан уларни самарали ривожланишини имконини беради.

Кўп табиий хом-ашёлар борки, улар билан ишлаш бошланғич синф ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги атрофимизни ўраб турган олам ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириб, диққат билан атроф муҳитни кузатишга ўргатади. Ўқувчилар табиий материаллар билан ишлаш жараёнида уларнинг тузилиши шакли, ранги ва бошқа хусусиятлари ҳақида чуқурроқ маълумотга ҳам эга бўлишади.

Масалан, ёнғокнинг думалок шакли чўзинчоқ шаклда жигарранг ёки оч сариқ рангда, усти эса ғадир-будур эканлиги ҳақида игна баргли дарахтлар барглариининг найзадек ўткирлиги турли гулларнинг тузилиши, ранги ҳиди ҳақида билиб олишади.

Технология фанини ўқитишда изчил равишда амалий ёндошиш бошланғич синф ўқувчиларида табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари инсон меҳнати натижасида жамият тараққиёти ҳақидаги тасаввурларни адекват ҳосил қилиш билан бирга уларда бошланғич технологик билимларни муҳим меҳнат кўникма ва малакаларини ҳам ҳосил қилади.

Амалий ишларнинг тури ва кетма-кетлиги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ижодкорлиги ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва мураккаблиги даражаси ортиб боради. Таълим мазмунини танлашда эса унинг шахсни ижтимоий ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришдаги аҳамиятига ҳам эътибор қаратилади. Айтиш жоизки, технология фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шундаки назарий ва амалий машғулотлар кўпинча бирга аралаш олиб борилади ва бошқа фанлардан олинган билимлар ва техник масалаларни ечишда асқотади. Ҳосил қилинган малака ҳаётий лаҳзаларда уй-рўзғорда қўлланилади.

Бошланғич синфларда технология фанини ўқитишда қуйидаги турли хусусиятли мақсадлар амалга оширилади:

-ўқувчиларнинг сексомотор ҳаракатлари ривожланади, фазовий тасаввури, мантиқий фикрлаши, чамалаш қобилияти такомиллашади

-касбга йуналтирилади ва атроф муҳитни самарали шакллантиришга ўрганилади инсон меҳнатининг аҳамияти ҳақидаги тасаввури ортади

-ўқувчилар бошланғич технологик билимларга, меҳнат малака ва кўникмаларига, турли буюмларни яшаш тажрибасига эга бўлиб, ўз меҳнатларидан завқ оладилар ва уларни баҳолайдилар.

-жамоада ишлашга ўрганади, меҳнатсеварлик, меҳнаткашларга нисбатан хурмат руҳида тарбияланади

Технология фанининг биринчи синфдан бошлаб ўқитилиши ўқув фанларининг алоқадорлигини, изчиллигини ва узвийлигини таъминлайди.

Технология курсини ўқиш жараёнида ўқувчиларда технология бу:

-турли қизиқарли, ижодий топшириқларни бажара олиш маҳорати;

-кераксиз материаллардан унумли фойдаланиш;

-табиат берган нарсалардан ҳаётда ўринли ва унумли фойдалана олиш;

-ҳаёт учун қулайликлар яратиш ҳақида маълумотлар деган тушунча ҳосил бўлади.

Энг асосийси, технология фани ўқувчиларнинг ҳар хил технологик жараёнлар билан таништириш орқали турли ҳаётий масалаларни ечишда қисқа ва рационал йул тутишга ўргатади. Бошланғич синфларда ўқувчилар лойиҳалашга оид дастлабки малакага эга бўлишади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Djamshidovna, X. M. (2020). Mechanisms for implementing an individualized approach to primary education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(1)*.
2. Абидова, З. К. (2012). Использование информационных технологий для методического обеспечения самостоятельной работы студентов профессиональных колледжей. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 27, pp. 88-90). Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro.
3. Абидова, З. К. (2012). Самообразование студентов на основе дистанционных технологий. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 23, pp. 57-59). Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro.

4. Саидова, Х. Х., Хомидов, Я. Я., & Абидова, З. К. (2016). Механизм перемещения материала при равномерном перемещении плотного материала в швейной машине Juki. *Молодой ученый*, (11), 456-459.
5. Хайдарова, М. Д. (2013). Роль интеграции в школьном образовании. *Педагогика и современность*, (4), 33-36.
6. Хайдарова, М. Д. (2020). Единство трудового и эстетического воспитания школьников. *Вестник науки и образования*, (23-2 (101)).
7. Хайдарова, М. Д. (2020). Способы реализации индивидуального подхода к начальному образованию. *European research*, (6), 64.
8. Хайдарова, М. Д., Юлдашев, Б. Н., & Узбекистан, Б. (2019). Информационные технологии в трудовом обучении школьников. *teacher Namangan region, Norin district school № 40 Uzbekistan, Namangan city training of dialogical speech in the english language*, 542.